



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 68 (8.958)

1997 йил

16 июнь, душанба

Сотувда эркин нархда



Автобустаги икки аёлнинг суҳбати эътиборини тортди:
— Жудаям чиройли экан-а, қаердан олдингиз бу костюмни? — деди улардан бири.
— Бир танишим «Юлдуз»да ишлайди. Унинг маслаҳати билан ўша фирма дўконига бордим. Анчадан бери ўғлимга қидирардим шунақасини, — мамнун оҳангда жимайди иккинчи аёл.

— Вой, ўзимиздаям шунақанг ажайиб кийимлар тикишарканда. Мен хорижийки деб ўйлабман...
Ана шу суҳбатдан сўнг менда «Юлдуз» билан танишиш, унинг қўли гул чеварлари билан суҳбатлашиш истай тугилди.

— Корхонамизнинг ҳиссдорлик жамиятига айланганига 3 йил бўлди, — дейди жамият раиси ўринбосари Тоҳир Собитов. — Ўтиш даврида кўпгина корхоналар бошидан кечираётган муаммолар бизда ҳам бор. Лекин доимо ҳаракат, изланишдамиз. Корхонамизнинг мавқоини янада орттириш йўллари тинмай излаяпмиз. Ишчи-хизматчилар корхонанинг ҳақиқий хўжайини эканлигини тушуниб етишди. Сифатли ва керакли маҳсулот тайёрлаш билангина яхши натижаларга эришиш мумкинлигини ҳис этиб ишлашяпти...

Ҳиссдорлик жамиятида 2 мингга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Улар 90 фоиз давлат буюртмасини тайёрлаб бериш билан бирга турли фирмалар билан шартномалар асосида кийимлар тикишади. «Тошқўмачи» ҳиссдорлик жамияти, Наманган, Андижон, Бухоро шаҳарлари билан алоқалар я-

ши йўлга қўйилган. Хом ашё танқислигини енгитиш, кийим-кечакларнинг хилма-хил, харидорлар талабига жавоб берадиган, дидига мос бўлиши учун маъмурият барча имкониятларни ишга соляпти. Яқинда Жанубий Кореянинг «Ханми Эйп Трейд» ЛТД фирмаси билан шартнома тузишга муваффақ бўлиди. У ердан хом аёш материаллари олиб келинди. Насиб этса, кейинчалик Жанубий Корея билан қўшма корхона тузиш режаси ҳам бор.

Шу йилнинг ўтган беш ойи ичида корхонада 195 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилгига нисбатан 25 фоизга ошди. Ҳозирда бу ерда Болтиқбўйи мамлакатларидан келти-



рилган матолардан эркакларнинг костюм-шимларни тикилмоқда.

Цехларни айланамиз. Мавжуд 14 та цехда иш жараёнлари кўнгилдагидек. Ҳамма жой саранжом-саришта, яхши ме-

нат қилиш учун шароит етарли. Цехларнинг ҳаммасига бугунги кун талабига жавоб берадиган Германия ҳамда Япониянинг дастгоҳлари ўрнатилган. Улар билан тиллаш олиб бериш, касаба уюшмаси жуда яхши ҳис этади. Корхонанинг ўз болалар боғчаси

Тажриба-синов цехи энг пешқадамлардан саналади. Бу цех бошлиғи Клавдия Ковалёва кўп йиллардан буюн корхонада меҳнат қилиб обрў топганлардан. У тажрибасини цехдагиларга тинмай ўргатади. Тикувчи Айда Алиева эса чаққон ва тезкорлиги билан ҳамкасбларига ўрнатилган. «Ишнингиздан мамнунмисиз?» деган саволга жавоб қилиб: «Ҳа, жуда мамнунман. Чунки сен тиккан либосларнинг одамларга ярашиб турганини кўришдан ортиқ бахт йўқ», деб жавоб берди. Шунинг

ндек, бош конструктор Елена Глинская, 4-тикув цехи технологияси Ойсара Шерматовалар ҳам ўз касбларидан, корхоналаридан мамнуликларини изҳор этдилар. Корхонанинг фирма

ташкил этилган. Бу масканда хунаер эгаллаган ёшлар эса корхонанинг келажиги. Шунинг учун ҳам уларнинг пухта билим эгаллашлари учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Бор. Бу ерда ишчиларнинг болажонлари соғлом ўсишлари учун етарли шароитлар мавжуд. Мустақиллик, Наврўз, Ҳайит байрамларида ишчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилиб борилади. Узоқ йиллар корхонада фаолият кўрсатган меҳнат фахрийлари ҳам имкон топиб йўқлаб турилади. Ишчи-хизматчилар бўш вақтларида дам олиш хонасида газета-журналлар ўқиб хордиқ чиқаришади. «Нилуфар» ошхонасида эса улар учун хуштаъм таомлар тайёрланади. Буларнинг барчаси, иш унумига ижобий таъсир этмоқда.

Келажикда «Юлдуз»нинг юлдузлари тиккан сифатли кийим-кечаклар жаҳон бозоридан ҳам муносиб ўрин эгаллашди.

Шарифа ИЛЁСОВА. СУРАТЛАРДА: (чапдан) тажриба цехи бошлиғи Клавдия Ковалёва ва бош конструктор Елена Глинскаялар тайёрланаётган маҳсулотни кўздан кечиришмоқда; эркаклар кийими технологи Ойсара Шерматова иш устида; тикувчи Айда Алиева корхона илгорларидан саналади; ошхонада тушлик шундай ўтади.

Рашид Галиев олган суратлар.

Мехнат аҳлини ўз ишининг моддий ва маънавий самарасидан баҳраманд этиш ишининг унумли бўлишига олиб келади. Буни корхона раҳбарлари, касаба уюшмаси жуда яхши ҳис этади. Корхонанинг ўз болалар боғчаси

дўконда ана шу чеварларнинг меҳнат маҳсулини кўрасиз. Уларни харидорлар бажонидил харид қилишмоқда. Чунки бу корхонада сифатга алоҳида эътибор берилади. Шу кунгача ҳали бирорта тайёр кийим дўконлардан қайтиб келгани йўқ. Карим Абдужалилов корхонанинг сифат бўйича бош вақили. У ишда сифат бош мезон эканлигини доимо назорат қилади.

Корхона қошида хунаер-техника билим юрти

Шарифа ИЛЁСОВА. СУРАТЛАРДА: (чапдан) тажриба цехи бошлиғи Клавдия Ковалёва ва бош конструктор Елена Глинскаялар тайёрланаётган маҳсулотни кўздан кечиришмоқда; эркаклар кийими технологи Ойсара Шерматова иш устида; тикувчи Айда Алиева корхона илгорларидан саналади; ошхонада тушлик шундай ўтади.

Рашид Галиев олган суратлар.

Шарифа ИЛЁСОВА. СУРАТЛАРДА: (чапдан) тажриба цехи бошлиғи Клавдия Ковалёва ва бош конструктор Елена Глинскаялар тайёрланаётган маҳсулотни кўздан кечиришмоқда; эркаклар кийими технологи Ойсара Шерматова иш устида; тикувчи Айда Алиева корхона илгорларидан саналади; ошхонада тушлик шундай ўтади.

АНЖУМАНЛАР ХУСУСИЙЛАШТИРИШ: ТАЖРИБА, ЮТУҚЛАР

БУГУН
Тошкентдаги Банк-молия академиясида «Хусусийлаштириш инвестиция фондлари ва Ўзбекистонда оммавий хусусийлаштириш: тажриба, ютуқлар ва хусусийлаштиришнинг халқаро тажрибаси» мавзусида халқаро семинар иш бошланди. У республика ҳукумати ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлар ва Жаҳон банки томонидан ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистонда оммавий хусусийлаштириш натижалари, қимматли қозғолар бозорини ривожлантириш, хусусийлаштирилган корхоналар ишини яхшилаш масалалари муҳокама этилди.

Икки кун давом этадиган халқаро семинарда Жаҳон банки, БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилотлари, ТАСИС дастури мутахассислари ҳам маърузалар билан чиқадилар.

БОҒДА — ҚУШ ШОДИЁНА

КЕЧА
«Боғи-Эрам» маданият ва истироҳат боғи одатдагидан кўра жавҳар ва байрамона тус олди. Боғда Мирзо Улугбек тумани маданият ишлари бўлими, «Камолот» жамғармаси ва Ўзбекистон ХДПсининг туман бўлимида ташаббус билан тиббиёт ходимларининг касб байрамларига бағишланган халқ сايливи ўтказилди. Тадбир давомида ёшларни ишга татбиқ қилиш бўйича бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ўтказилиб, унда тумандаги барча маҳаллалардан мактабни тамомлаган ўсмир ёшлар иштирок этишди.

Сайил давомида «Камолот» жамғармаси туман бўлими қошидаги «Тугён» театр-студиясининг чиқишлари, болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази дасталари, яққол хонанда Қайомжон Усмоновлар ўз санъатлари билан йиғилганларнинг кўнгилларини хушнуд этишди.

Шу кунги тадбирга тақлиф этилган тиббиёт ходимлари ҳамда ҳам таъминланган оилаларнинг фарзандларига барча ўйин аттракционлари бепул хизмат кўрсатди.

Дамир ИСЛОМОВ.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМПАКАТИМИЗДА
● Президент Ислам Каримов 13 июнь кунини Жанубий Кореянинг «ДЭУ» компаниялари гурӯҳи раиси Ким У Жунг бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистонга киритилаётган «ДЭУ» сармоялари ҳажмини янада кенгайтириш, ўзаро ҳамкорликда Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида тўқимачилик фабрикасини очиш билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашилди.
● Президент Ислам Каримовнинг таклифига биноан Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев 18—19 июнь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.
● Республика олий ўқув юртларида Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бугунгасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қарорлари» китобини ўрганишга бағишланган лекция машғулоти бўлди.
● Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси, республика Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди ҳамда «Камолот» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилиқ марказининг тақдирот маросими бўлди.
● Ҳозирча бир сменада 12 хилда 700 жуфтгача болалар оёқ кийими ишлаб чиқарадиган Чирчиқдаги «Кибо болалар пойабзали» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг тақдирот маросими ўтказилди.
● Қаршида «Қашқадарётелеком» Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонаси иш бошланди. Унинг ёрдамида вилоятда замонавий телефон алоқасини йўлга қўйиб, абонентлар сонини 288 мингга етказиш мўлжалланмоқда.
● Самарқанд вилоятининг Пахтачи тумани галлакорлари республикада биринчи бўлиб дон тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини адо этдилар.
● Тошкентдаги «Совпластитал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси сифат учун халқаро мукофотга сазовор бўлди.

ҲАМДУСТИПКИДА

● Бугун Минскда Европа Иттифоқи, Европа Кенгаши, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти воситачилигида Белоруссия маъмурларининг ўз вақтида тарқатиб юборилган республика Олий Кенгаши муҳолифатчи депутатлари билан музокаралари ўтказилди. Маълумки, Белоруссияда янги Конституция қабул қилиниб, қонун чиқарувчи олий орган ўзгаририлган бўлсада, ушбу Олий Кенгашнинг муҳолифатчи депутатлари хали ҳам ўзларини мамлакатдаги ягона қонуний парламент вакиллари, деб ҳисобламоқдалар.
● Эртага Алматидан 70 километр нарида ўтказилаётган Қозғоғистон — АҚШ ҳарбий машғулоти низоёсига етади. Ундан икки давлат қуроли кучлари бўлиналари фавқулодда ҳолатларда биргаликда ҳаракат қилиш кўникмаларини ҳосил мақсади қўзланган.
● Қарағандадаги 43 та кўми корни меҳнат жамоаси Қозғоғистоннинг пенсия тўғрисидаги янги қонунчилигига норозилик билдирмоқда. Ушбу қонунга мувофиқ қончиларга аввал мавжуд бўлган имтиёзлар бекор қилиниб, улар эндиликда ҳамма қатори 63 ёшда қарилки пенсиясига чиқишлари белгилан қўйилган. Илгари мавжуд бўлган қонунларда қончилар 50 ёшда пенсияга чиқар эдилар.
● Бугун Чеченiston маъмурлари республикада гаровга олинганларни, биринчи навбатда Россия журналистларини озод қилиш юзасидан кенг кўламли операциялар ўтказиш ниятидалар. Маълумки, Чеченiston Президенти Аслан Масхадов жангариларга гаровга олинганларни уч кун ичида қўйиб юбориш тўғрисида узил-кесил талаб қўйган эди. Ана шу муддатда Президент талаби баҳарилмаганлиги сабабли ушбу операцияни ўтказишга қарор қилинди.

ХОРИЖДА

● Бугун Голландия пойтахти Амстердамда Европа Иттифоқида аъзо 15 мамлакат давлат ва ҳукумат раҳбарлари навбатдаги сессияга тўпланадилар. У сўнги 40 йил ичидаги энг тарихий сессия, деб баҳоланмоқда. Гап шундаки, ушбу сессияда Европа Иттифоқи тўғрисидаги янги шартнома қабул қилиниши мўлжалланяпти. Ушбу ҳужжатда асосан иқтисодий соҳада ҳамкорлик қилиб келинаётган Европа Иттифоқини сиёсий соҳада ҳам ягона ҳамжамиятга айлантириш кўзда тутилган.
● Кеча Хорватияда бўлиб ўтган президент сайловларида уч номзод орасида, таҳмин қилингандек, ҳозирги давлат раҳбари, 75 ёшли Франьо Тужман ғалаба қозонди. У биринчи турдаёқ сайловда иштирок этганларнинг 60 фоиз овозини олишга муваффақ бўлди.
● Кеча Истамбулда Туркия, Эрон, Покистон, Миср каби 8 мусулмон давлат ва ҳукумат раҳбарларининг уч кунлик учрашуви низоёсига етди. Туркия Бош вазири А. Эрбакан ташаббус билан ташкил этилган ушбу учрашувда бу 8 мусулмон давлатининг Фарбининг тараққиётган 7 давлати каби ўзига хос уюшмасини ташкил этиш кўзда тутилган.

Дилшод ИСМОИЛ.

Юқумли касалликларга қарши кураш Тошкент шаҳар комиссиясининг навбатдаги мажлисида деҳқон бозорлари, умумий овқатланиш ва савдо шохобчаларида санитария қоидаларига риоя этилишининг аҳоли тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ўтказилган текширишлар аксарият кўпчилик бозор расталарида санитария қоидаларига хилоф равишда тез бузилувчан маҳсулотлар билан савдо қилинаётганини кўрсатди. Кўп жойларда уйда тайёрланган, ҳарорат юқори пайтларда тез бузиладиган таомлар билан савдо қилиш авж олган, шу билан бир қаторда бу ерларда сотилаётган анчагина озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат ҳужжатлари (сертификатлари) йўқ. Баъзи озиқ-овқат маҳсулотларининг сақланиш муддати ўтиб кетган. Бундай ҳолларга «Эски жўва», «Аскья», «Кўйлик», «Бе-шөгоч», «Олой», «Юнусобод», «Фарход», «Паркент» ва бошқа бозорларда дуч келинди. «Авиа-

созлар» деҳқон бозорида гўшт-сут маҳсулотлари сотиш растасига водопровод суви келтирилмаган. Маҳсулотларни сақлаш учун совутичлар ўрнатилмаган. Тиббий куриқдан ўтмаган сотувчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилишига йўл қўйилмоқда.

«Отчопар» буюм бозорида мавжуд қичқиндиларни олиб чиқиш кетиш учун транспорт воситалари етарли эмас. Бунинг натижасида бозорнинг турли жойларида қичқинди уюмлари тўпланиб қолган. Тартибсиз ҳолда ўрнатилган дўкончалар орқа томонлари ахлатхоналарга айлантириб юборилган. Бу ердаги аксарият умумий овқатланиш тармоқларининг аҳоли санитария талабларига мутлақо

жавоб бермайди, электр қувват бўлмаганлиги сабабли мавжуд совутичлар ҳам ишламапти.

Кейинги пайтларда метро бекатларида тартибсиз ҳолда савдо авж олмоқда. Бу ерларда тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсу-

лотлари сотилишига ҳам йўл қўйилмапти. Шаҳарнинг кўпгина шохбачаларида қичқинди санитария қоидаларига зид равишда озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар билан савдо қилинмоқда. Кўпгина хусусий ошхоналарда оддий тозалик қоидаларига риоя қилинмайди. Бундай ҳоллар айланика Шайхонтоҳур, Яққасарой, Собир Раҳимов, Акмал Икромов туманларида кўп содир бўляпти.

ТОЗАЛИК

ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИ

«Отчопар» буюм бозорида мавжуд қичқиндиларни олиб чиқиш кетиш учун транспорт воситалари етарли эмас. Бунинг натижасида бозорнинг турли жойларида қичқинди уюмлари тўпланиб қолган. Тартибсиз ҳолда ўрнатилган дўкончалар орқа томонлари ахлатхоналарга айлантириб юборилган. Бу ердаги аксарият умумий овқатланиш тармоқларининг аҳоли санитария талабларига мутлақо

Шарифа ИЛЁСОВА. СУРАТЛАРДА: (чапдан) тажриба цехи бошлиғи Клавдия Ковалёва ва бош конструктор Елена Глинскаялар тайёрланаётган маҳсулотни кўздан кечиришмоқда; эркаклар кийими технологи Ойсара Шерматова иш устида; тикувчи Айда Алиева корхона илгорларидан саналади; ошхонада тушлик шундай ўтади.

Рашид Галиев олган суратлар.

НАВБАТ — САРАЛАШ УЧРАШУВИГА

Футбол бўйича олий лига жамоаларининг 13-тур учрашувларида, илгари хабар берганимиздек, шахримиз жамоалари ўзаро куч си-нашишди.

Ийрик ҳисобларда кетма-кет ғалабаларни қўлга кирийтиб турнир жадвалида мавсум бошидан бери қаровончи бўлиб келётган МХСКнинг ўз майдонида «Чилонзор» билан беллашувини шунчалик кескин, шиддатли ва тенг курашлар остида ўтади, деб кўпчилик ўйламаганди. Қутулмаганда олий лиганинг янги аъзоси машҳур клубга нисбатан жуда уюшқоқлик ва катта маҳорат билан тўп сурди. Очиги, армиячилар бундан дастлаб бир оз эсанкираб қолишди

ФУТБОЛ

ҳам. МХСКнинг ҳужумлари самарасиз, чилонзорликларнинг қарши ҳужумлари эса жуда ҳавфли эди. Шунинг билан биринчи бўлим 0:0 ҳисобида тугади.
Иккинчи бўлимининг 7-дақиқасида А. Маъруфалиевнинг ногаҳоний кучли ва аниқ зарбаси рақиблар дарвозабонини доғда қолдирди. Бироқ орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас «Чилонзор» ҳужумчиси Ш. Жабборов ҳисобни тенглаштирди. Факат пенальтилар устаси, МХСК сардори Н. Хасановнинг 11метрлик зарбани аниқ бажариши ушбу мураккаб ўйнда армиячиларга навбатдаги ғалабани келтирди — 2:1.
Рақиб майдонида «Трактор»га қарши тўп сурган «Пахтакор» мана учинчи

Дилшод ИСМОИЛ.

ЯНГИЛИКЛАР О ВОКЕЛАР О ХАБАРЛАР

ЯНГИЛИКЛАР О ВОКЕЛАР О ХАБАРЛАР

«Тошшаҳарюктранс» концерни автомобилчилари 30 йилдан ортиқ вақтдан буён Жиззах вилояти деҳқонларига галла ҳосили ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғштириб олишга ёрдам бериб келмоқдалар.

Ана шу йиллар мобайнида автокорхоналарнинг ҳайдовчилари даладан 1 миллион тоннадан ортиқ турли қишлоқ хўжалик маҳсу-

Шаҳар — қишлоққа

ҲОСИЛНИ ЙИҒИШДА КЎМАК

лотларини даладан омборга етказиб бердилар.

Автомобилчилар қишлоқ аҳлига техникани таъмирлашда ҳам ёрдам бермоқдалар, уларга эҳтиёт қисмлар ва автомобиллар учун узеллар ажратмоқдалар.

Концернга қарашли автомобиль транспорти корхоналари бу йил ҳам қишлоқ аҳлига ёрдам кўрсатишдек хайрли анъанага содиқ қолмоқда. Яқинда концернга қарашли автокорхоналарнинг раҳбарлари хўжаликларга бориб, жойларнинг ўзида қишлоқ аҳлига қандай ёрдам кўрсатишни аниқладилар. Қишлоқ хў-

жалик маҳсулотларини ўз вақтида ташиб олиш учун қўшимча 200 га яқин автомобиль кераклиги маълум бўлди.

— Ўттиз йил мобайнида биз дон ҳосилини ташишда бой тажриба тўпладик, — дейди 2521-автоколонна бошлиғи Р. Мирзаев. — Бу йил ҳам юксак малакали ҳайдовчилар ва мутахассисларимиз ана шундай ишларни бажаришди. Ҳозир биз 37 та катта қўламли машиналарни ишлашга тайёрламоқдамиз. Буларнинг кўпчилигини «КамАЗ»лар, «ЗИЛ»лар ташкил этади. Бу машиналарни ҳозир синчковлик билан кўриқдан ўтказмоқдамиз, уларни таъмирдан чиқаряпмиз. Ҳосил йиғими пайтида техникалар носоз бўлиб қолган ҳолларда ана шу носозликни зудлик билан тузатиш мақсадида биз ёрдам кўрсатадиган махсус автомобилни ва таъмирловчи ишчилар гуруҳини галлакорлар ҳузурига йўллаймиз.

Худди шундай ибратли ишлар ҳозирги пайтда «Тошшаҳарюктранс» корхонасининг бошқа автотранспорт корхоналарида ҳам амалга оширилмоқда. Яқин вақт ичида Жиззах вилоятидаги хўжаликларга катта миқдордаги автомашиналар колоннаси жўнатилади. Уларни бу ерда галлакорлар сабрсизлик билан кутишмоқда.

Саид БОТИРОВ.

Қурилиш

СУПЕРМАРКЕТ ЭШИК ОЧАДИ

Шу кунларда пойтахтнинг Халқлар дўстлиги ва Муқимий кўчалари кесишган жойда навбатдаги супермаркет бунёд этилмоқда. Уни «Абсидиан» тижорат қурилиш ташкилотининг шўба корхонаси бўлган «Стеллор» фирмаси бунёд этмоқда. Гишт терувчилар, монтажчиларнинг ғайрат кўрсатиб ишлашлари туфайли иншоот тез қад қўтармоқда. Бунда участка бошлиғи И. Попович ва бригада етакчиси В. Вен-


диннинг хизмати каттадир. Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу бино қурилишида иш сифати кун сайин ошиб борапти. Бунёдкорлар 1 июлга қадар қурилиш-монтаж ишларини ниҳоясига етказишни режалаштирганлар. Мустақиллик байрами кунларида эса ушбу замонавий супермаркет дўкони ўз эшикларини очади.

Азиз СОЛИЕВ.



«Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Корхона маҳсулотларининг харидоргирлигида конструкторлар Павел Латипов, Павел Шмуклер, Андрей Иконниковларнинг (юқоридаги сурат) ҳам муносиб улушлари бор; 17-цех оператори Дмитрий Поликарпов (пастдаги сурат) эса узок йиллардан бери корхонада самарали меҳнат қилиб келади. Мураббий ишчининг ўнлаб шогирдлари бугунги кунда унинг ўзи билан ёнма-ён ишлашмоқда; бирлашманинг пресслаш участкаси (ўнгдаги сурат) қурилмаларидан намуналар акс этган.

Рустам Шарипов олган суратлар.



Тошкентимиз гўзаллашиб бораётган экан, демак ўз-ўзидан у шаҳар-созликнинг барча талаб-ларига жавоб бера олиши ҳам керак. Сўнгги йиллардаги ҳеч муболағасиз ҳайратомуз бунёдкорлик ишлари қаторида пойтахтимиз ҳуснига доғ туширадиган баъзи иллатлар ҳам борки, улардан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, марказий кўчалар ва йўлларда кўзга ташланадиган чиқиндилар, маҳалла ва турар жой бинолари яқинидаги ахлатхоналар шаҳарнинг бир бутун гўзаллигига чипта ямоқ бўлмоқда. Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Абулқосим Маҳмудов билан бугунги суҳбатимиз шу мавзунини ўз ичига олди.

— Суҳбатимизни донишманднинг: «Агар чанг ва губор бўлмаса инсон минг йил яшарди» деган сўзини тақрорлашдан бошласак тўғри бўлади, — дейди Абулқосим Назирович. — Амир Темур «Тузуклари»да эса: «Хон бўлсангда боғ ярат, гадо бўлсангда боғ ярат» деган доно сўзларини учратасиз. Бу гапларда ўзбекхона удумимизнинг кўринишлари мужассам топган.

— Лекин юқоридаги жумалардан ҳамма ҳам тўғри хулоса чиқаравермайди-да.

— Ҳамма гап шунда. Энди сиз менга айтинг. Дафъатан ҳар биримизга: «Бу кўча кимники?» деган савол берилса, «меники» дея фахр ва ифтихор билан жавоб бера оламизми? Беихтиёр сукут сақлаб қолишимиз турган гап. Чунки ўзимиз истикомат қилаётган кўчамизнинг бугунги ҳолатидан кўнглимиз тўлмайди. Гоҳ ундаги ўйдим-чуқурилар, чанг-тўзонлар, сувга ташна ариқлар ва уларни тўлдириб турган хас-хуслар, баъзан эса қайсидир оила аъзоларининг хўжасизлик ва бефаросатлиги туфайли кўчада пайдо бўлиб қоладиган ахлат уюмлари кўз ўнгимизга келади ҳижолатдан тил тишлаб қоламиз.


— Гап тагини гап очади деганларидек, яқинда тахририятимизга Шайхонтоҳур туманида жойлашган Есенин кўча аҳолисидан ташвишли хабар келди. Унда арз қилинишича, ушбу кўчада бир кечада каттагина ахлатхона пайдо бўлиб қолган экан...

— Афсуски, бу биринчи тасодиф эмас. Бундай ҳоллар бошқа маҳалла ва мавзелада ҳам тез-тез содир бўлиб туради. Хусусан, ўша сиз айтган ахлатхонани ким пайдо қилди? У осмондан тушмагандир, ахир? Ёки биров четдан келиб бу кўчага ахлатини тўкиб кетмагандир? Кўриниб турибдики, ўша кўчадаги баъзи бефаросатларнинг (кечирасиз шундай деб аташга мажбурман) қилмиши бу. Бу тоифа кишилар ўзлари ахлатхона пайдо қилишиб, ўзлари бундан шикоят қилиб юришади. Наҳот ўша «жонқурларнинг» биронтаси кечаси қўшини ахлат олиб чиқиб ташлаётганини кўрмаган бўлса?

Бундан асло шаҳарнинг ободончилиги аянчли аҳволда деган хулоса чиқмайди. Бугунги кунда шаҳримизнинг Амир Темур, Шароф Рашидов, Навоий, Илак йўли, Фаргона йўли, Усмон Носир, Бобур, Халқлар дўстлиги шох кўчаларидан ўтган кишининг бахри-дили очилади. Навоий номили миллий боғ, Анҳор бўйи ва шунга ўхшаш хўшхаво масканларни сайр қилиб кўнглингиз ором олади. Абдулла Авлоний, Абдулхай Тожиев, Форобий, Бодомзор, Фуломмаҳмуд Абдуллаев маҳаллаларининг ободончилигидан кўз қувнади. Албатта барча яхши ва ибратли ишлар ўзимизники. Лекин камчиликлар ҳусусида кўпроқ гапириб, улардан қанча тез холи бўлсак яна ҳам яхши.

— Кўча ва сайилгоҳларнинг озода ва тартибли бўлишида фаррошларнинг хизмати катта албатта. Лекин кўпинча уларнинг иш вақти ҳамшаҳарларимизнинг тигиз пайтига тўғри келиши кишини ранжитида. Ахир улар ўз юмушларини эртароқ бошлашса бўлмасмикан?

— Тўғри гап. Баъзи сабабларни рўқач қилиб уларни оқламоқчи эмасман. Лекин барибир айтишга тўғри келади. Масалан, бизда фаррошлар сони кам. Беш минг ўринга бир минг икки юз киши ишляпти ҳолос. Уларнинг иш ҳаваали қатъий



қилиб белгиланган. Эрталабки соат 7 гача супуриб-сидириш ишлари тугалланиши керак. Бироқ уларнинг уйлари шаҳарнинг у бурчагида бўлса, иш жойлари бошқа бурчақда. Шу сабаблар билан баъзи фаррошларимиз иш вақтини кеч бошлашади. Эндиликда бунга барҳам бериш чорасини кўряпмиз. Масалан, фаррошнинг иш жойини унинг уйига яқинлаштириш мумкин. Шундай тартиб жорий этилса иш юриши ҳар томонлама қулай бўлади. Қолаверса, фаррошлик ишини механизациялаш учун вақт етиб келди.

— Мутахассисларнинг эътирофи эътишларича Тошкент шаҳар аҳолиси бир кунда чиқарадиган маиший чиқиндилар 4 минг 200 тоннани ташкил этаркан. Уларни белгиланган жойлардаги махсус ахлатхоналарга чиқариб ташлаш учун эса 900 та машина мунтазам ҳаракатда бўлиши керак. Бу муаммо қандай ҳал этилган? Техникалар етарлими?

— Йўқ, етарли эмас. Масалан,

дамида юзта ахлат машина, 28 та ўзи тўқар техника, 6 та чиқиндиларни ортиб туширадиган механизмларни сотиб олдик. Шаҳримизда Чехия билан биргаликда «Автош» қўшма корхонасини ишга тушириш арафасида турибмиз. Шу корхона шартнома бўйича келгуси йилда бизга 200 та ахлат ташиш машинасини тайёрлаб беради.

— Демак, ҳозирча имконни ўзимиздан қидиришимизга тўғри келади...

— Бу ҳусусда гап юриштишдан олдин бир зум бўлсада ўзимизнинг ҳам макбул, ҳам фойдали синалган ўзбекхона одатларимизга разм солайлик. Хўш, бизнинг урфимизда ахлатни кўчага чиқариб(пастдаги суратдагидек) тўкиш расм бўлганми? Айниқса мендан нари деб ўзгаларнинг эшигини тагига тўкиш? Бу ўтакетган одобсизлик ҳисобланмасиди? Ҳар бир хонадоннинг ўз ахлатхонаси бўларди. Барча чиқиндилар шу ўрага тўкилиб улардан эрта баҳорда ўғит сифатида фойдаланиларди. Ахир

Допзарб мавзуда

ШАҲАР ОБОДОНЧИЛИГИ — ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

ҳозир 535 та машина мавжуд. Бу биз учун зарур бўлган техниканинг тахминан 65 фоизини ташкил этади. Бунинг устига бу машиналарнинг 300 га яқини таъмирга муҳтож. Яъни улар ўн йилдан ортиқ хизмат муддатини ўтаган. Ёилги муаммоси ҳам анча қийинчилик билан ҳал бўляпти. Эҳтиёт қисмлар етишмайди. Оҳангарон йўналишидаги ахлатхона 30 километрда жойлашган. Шунча йўл босиб бориб келиш учун озмунча ёқилги ва харажат сарф бўлади. Зангиота ҳамда Тошкент туманларида ҳам ахлатхоналар бор. Лекин улар кичик бўлгани сабабли бу жойларга маълум миқдордаги чиқиндилар ташланади, ҳолос. Ахлат идишлари масаласида ҳам шундай танқислик сезилади. Масалан, режа бўйича 25 минг дона ахлат идишлари бўлиши керак. Ҳозирда эса уларнинг сони 3,5 мингдан ошмайди. Шу ўринда бу муаммоларни наҳотки, бартараф этиш мумкин бўлмаса деган савол туғилиши табиий. Жавоб тариқасида айтишим мумкинки, оилалардан ахлат ташиб кетадиган машиналар хизмати учун бир ойга киши бошига 15 сўм тўланадиган қилиб белгиланган. Бу бировлар учун кўпдек тўлиши мумкин. Лекин ушбу сарф-харажат юмушларининг 70 фоизи давлат ҳисобидан қопланишини айтадиган бўлсак, ҳамма нараса аёнлашади. Устига устак бугунги кунга келиб биргина ахлат ташиб кетиш юзасидан шаҳар аҳолиси ва баъзи муассаса, ташкилот ҳамда корхоналарнинг 57 миллион сўмлик қарзи бор экан. Шундай экан ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида давлат ободонлаштириш ишлари билан боғлиқ харажатларга ортиқча маблағни қаердан олсин? Бироқ қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Утган йили шаҳар ҳокимилиги ёр-

ҳозир ҳам қишлоқ аҳли ота-болаларимиздан қолган бу яхши одатни тарқ этмай келадику! Нега энди биз шаҳарликлар бу савобли анъанадан тобора узоқлашиб бораёпмиз. Ҳар қалай ўйлашга, фикрлашга арзийдиган муаммо бу. Энг муҳими баҳона излашга ўрин йўқ. Чунки маҳаллаларда яшайдиган оилаларнинг ҳовли-жойлари бундай шароитни кўтаради.

— Шаҳримиз ўз об-ҳавосининг мўътадиллиги билан ҳам ажралиб туради. Бундай иқлимий шароитнинг мавжудлигида албатта пойтахтимизнинг маркази ва унинг турли бурчакларидан кесиб ўтадиган Чирчиқ, Бўзсув, Қорасув, Қичкириқ, Баротхўжа, Қорақамш сингари сув манбалари бўлиши каналларнинг ҳиссаси катта. Бир вақтлар ҳатто ичимлик суви даражасида фойдаланилган бу нишоотлар нега ҳозирга келиб кичрайиб кетди, қаровсиз қолди?

— Гапингиз тўғри. Бугун биргина анҳор суви ҳақида ижобий фикр айтиш мумкин. Қолган каналлар қурилишлар ёки бошқа сабаблар билан чиндан ҳам узоқ йиллар қаровсиз қолди. Шу ўринда бир гални тақрорлашга тўғри келади. Биз ҳаҳар деган яхши одатимизни унутиб қўяёпмиз. Эсингизда бўлса мана шу каналларнинг қирғоқ ва ўзанлари яқин-яқинларгача эрта баҳордан қонғи ҳашар йўли билан тартибга келтирилди. Бу ишга асосан маҳаллалар бош-қош бўлишар, улар ўзларига қарашли худудни озода сақлашга ҳаракат қилишарди. Гўё бу нараса улар учун энг зарур бурчдек саналарди. Бу савобли ишдан четда қолган киши ўзини ноқулай сезарди. Ҳозир канал у ёқда турсин, ҳатто эшигимиз тагидан ўтган ариқчани тозалашга вақт топол-

маймиз. Ишимиз шу қадар «тигизлигидан» каталакдек йўлагимизни қачон онамиз тенги фаррош келиб супуриб тозалаб кетишини кутиб ўтираемиз. Энг ёмони биз талаб қилишга жуда ўрганиб қолганимиз. Рўпарамизда пайдо бўлган тўрт замбил ахлатни олдириш учун идора-ма-идора чопиб чарчамаймиз. Ахир ҳеч қандай асаббузарликларсиз уни 5—6 киши ярим соатда тозалаб ташлаши мумкин-ку. Очиғи шаҳримизнинг ҳақиқий хўжайини бўлполмаяпмиз. Унинг табиий муҳити, озодалиги учун етарли даражада жонқурлик қилолмаяпмиз. Хатто ёнимизда кетиб бораётган кашанда қўлидаги сигарета қолигини чинидек озода кўчага улоқтиргани билан ишимиз йўқ. Қўркам хиёбонни сайр қилиб юрган киши чўнтагидаги қоғоз парчаларни ерга сочиб юборганини кўриб, кўрмасликка оламиз. Ҳамроҳимиз оғзини тўлдириб қақаётган pista пўчоқларини дуч келган жойга тупурса ҳам индамай кетаверамиз. Бирники мингга, мингники туманга, деганларидек мана шу ёмон одатларимиз туфайли кўплаб фойдаларнинг бу ҳусусдаги жонқурликларни ҳам парда орқасида қолиб кетаяпти.

Шу ўринда ибратли бир мисол келтирмоқчиман. Собир Раҳимов туманида Абдулла Набиев деган маҳалла бор. Унинг марказий ва ўзга кўчаларини сайр қилган киши ўзини жаннатмакан масканга келиб қолгандек ҳис этади. Мевади дарахтларни айтмайсизми? Ўзидан тури қай. Соя-салқин хонадонларнинг эшик орти ва ташқиси ҳамиша озода, тоза. Бу жойларни эрталаб ва кечқурун супуриб-сидириш хонадон эгаларининг одатига кирган. Бунақа маҳаллалар шаҳримизда кўплаб топилади. Қани энди бошқалар ҳам ўшалардан ибрат олишса.

— Бир вақтлар «Намунали уй» ва «Энг обод маҳалла» деган ўзига хос беллашувлар ташкил этилган эди. Кейинчалик бу ибратли тадбирлар ўз-ўзидан йўқолиб кетган. Мана шу тартибни қайта тиклашнинг иложи йўқмикан?

— Ҳозир биз ҳам шу ҳақда ўйламоқдамиз. Яқин кунларда бу ҳолат ҳаётимиздан ўз аксини топади.

— Шаҳримизда 11 та автотўймухбаза фаолият кўрсатаётган экан. Лекин уларнинг ишидан ҳамма ҳам хурсанд эмас.

— Бу ҳақда қисман юқорида сўз юритдик. Уларда ҳозир техникалар кам. Янгисини олиш учун маблағ керак. Қарс икки қўлдан чиқади, деган гап бор. Агар маҳалла ва ташкилотлар қарзини ўз вақтида тўлаганлариди эди, ҳар қалай бу иш ҳозиргидан бир неча поғона юқорида турган бўларди. Лекин шунга қарамай имконият даражасида ишлашга ҳаракат қилинапти. Хусусан бу иш Акмал Икромов ва Шайхонтоҳур туманларига қарашли автотўймухбазаларда анча яхши йўлга қўйилган.

— Шаҳримизда ҳар йили ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар тозаланиш олийлари ўтказилади. Бу даврда минг-минглаб туп меваги ва манзарали дарахтлар ўтказилади. Шундай экан, нега шу вақтгача Тошкентимиз яшил бойликларга тўла бурканиб кетмади?

— Пойтахтимизда ҳозирда беш миллион тўнга яқин турли дарахтлар мавжуд. Шундан икки миллион олти юз мингги манзарали, 1 миллион 700 мингдан зиёдроғи меваги, қолганлари эса игна баргли дарахтлардир. Уларнинг парвариши билан 17 минг 200 гоғбон шуғулланиши керак. Бизда ҳозир уларнинг сони ҳаммаси бўлиб 1800 кишини ташкил этади. Бундан тегишли хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг. Бу борада ҳам яна маҳалла ва ташкилотларга мурожаат қилишга тўғри келади. Ҳеч бўлмаса улар ўз худудларидаги яшил ниҳоллар парвариши ҳақида жон қуйдирсалар яхши бўларди.

Хулоса қилиб, айтиш мумкинки, кўз ўнгимизда ёшариб, гўзаллашиб бораётган Тошкентимизнинг янада обод, ораста ва кўркам бўлиши (юқоридаги суратдагидек) ҳар биримизнинг жонқурлик билан қилган саъй-ҳаракатимизга боғлиқ. Шундай экан ободонлаштиришдек умумхалқ ишдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак.

Суҳбатдош
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Жамила, Гули, Офелия, Дездемона, Цейдузхоним, Хуррият, Амалия, Жульетта, Комиссар аёл, Ойхонбиби каби образларни сахнада ҳаққоний гавдалантирган аёл, халқимизнинг мухтарам онахони Сора Эшонтўраева билан яқиндагина учрашдим. Актриса билан суҳбатлашар эканман унинг ҳаракатларидан, воқеани чуқур ҳис қилишларидан кучли истеъдод эгаси эканликларига яна бир карра амин бўлдим.

Сора опа ҳар бир воқеани шундай сўзларди-ларки, гўё ўзимни ўша воқеалар гирдобиди ҳис қилардим. 1927 йил 23 май куни С. Эшонтўраева Москвада ўзбек драмстудиясини тамом-ларкан, санъаткорнинг устози В. В. Канцель дипломга шундай ёзган эди: «Сора гўзал ва жо-зибали истеъдодга эга. У жуда зийрак ва таъсир-чан. Фақат ҳали ёш бўл-

ди, муҳаббатини йўқотади. Сора опа бу образ устида ишлаш жараёнида буюк рус актёрлари Н. У. Ер-молова, В. М. Комиссар-жевская ижодига муро-жаат қилди. Биргина плас-тик ҳаракатни ўзлаштириб олиш учун ҳафталаб ма-шқ қилди. Дейлик англиз қизларини кўйлакнинг ён этагидан ўнг кўли билан чимдиб, тиззасини хиёл букиб, нозик табассум қи-лиши, таомни қандай кел-

Балки кўнгил учундир бу гап деб ўзича ўйлайди. Йўқ. Москвадан энг машҳур санъаткор, санъатшунослари, унинг кўллари ўпиб «Ўзбек Комиссаржевская» деб табриклардилар.

Газеталардан бирида эса «Сора Эшонтўраева Офелияси ғоятда шоиро-на ва нафис ижро этил-ган. Дунёнинг энг маш-хур актрисаси Элмен Герри ижро этган Офе-лия образи ҳам худди шундай жозибали эди», — деб ёзилган. Яна бир га-зетада «Хамлет» катта ижодий фикрга лиммо-лим спектаклдир. Кўплаб актёрларни — А. Хидоя-тов, С. Эшонтўраева, Лутфулла Нарзуллаевлар-ни бемалол рус драма-ларининг моҳир устала-ри билан бир қаторда кўйиш мумкин. Айниқса А. Хидоятнинг ўткир ҳиссиёти, Соранинг ҳаёт-бахш ўйинлари ижодий жиҳатдан камолга етган-лигини кўрсатиб туриб-ди», деб баён этилган са-трларни ўқир эканмиз, ўзбек театрининг моҳир усталари яратган образ-лар, яна қанча-қанча ижодкорларга ижод мак-таби бўлиб қолишини ёд-да сақлаймиз. 1964 йил бу асар Лондонда кўйи-либ, ўзбек театрини ол-қишларга сазовор қилди.

Хамлет ҳам, Офелия ҳам жаҳон драматургия-сида энг мураккаб образ. Негаки, икковида ҳам кучли ҳиссиёт бор. Бу ҳиссиётларни тўлиқ ифо-да этиш кўп изланишлар, машқлар эвазига қўлга киритилди. Кейинчалик актриса вафоли ёр тим-солини муҳассамлаштир-ган аёл образи — Дезде-монани сахнада бекаму кўст ижро этди. У ярат-ган Жамила образи 26 йил давомида сахнадан тушмади. Актриса қандай образ бўлмасин уни синчковлик билан ўргана-ди, талкин қилади.

Ҳозирда Сора Эшонтўраева ўша яратган образ-ларини ҳанузгача ўшан-дай эслайди ва ўшандай ижро этади. Яна аҳамият-ли томони шундаки, Со-ра опа хотираларини жамлаб қозғога тушириб-ди.

85 баҳорни қарши ол-ган халқимизнинг ардоқ-ли санъаткори, Ўзбекист-он халқ артисти ўзбек сахнасида қатор образ-ларни ижро этиб, ўзбек театри ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Хо-зирда санъаткорнинг йў-лини шогирдлари — Ўз-бекистон халқ артиста-ри Рихси Иброҳимова, Гулчехра Жамилова, Тўти Юсупова ва бошқалар давом эттирмақдалар.

Феруза
МУҲАММАДЖОНОВА.

Санъат

САҲНА ГУЛШАНИНИНГ РАБНОСИ



гани учун, бор фантазия-ни ишга солгани йўқ. Барча муваффақиятлари ҳали олдинда!».

Нақадар ҳаққоний ба-шорат! Ўша кезлари акт-риса 16 ёшда эди.

1935 йил Шекспирнинг «Хамлет» асари сахна-лаштирилди. Абзор Хи-доятлов — Хамлет, Сора опа — Офелия эдилар. Асарда Полонийнинг қи-зи Офелия Хамлетни се-вади, лекин у ота ва ака-сига итоаткор. Уларнинг айтишларидан четга чи-қишга журъат этол-майдиган содда, софдил қиз. Фиск-фасод авж ол-ган феодал дунёсининг қурбони бўлган Офелия образи устида Сора опа тинмай ишлади. Актриса Шекспир асарлари би-лан танишди. Нафақат Офелиянинг характери-ни, балки унинг яшаш муҳитини ўрганди. Томо-шабинлар сахнада Офе-лия орқали ўзбек қизла-рининг ўтмишини кў-раётгандай бўлдилар. Отаси Офелияга ёлгон гапирлиши буюради. Ма-кр-хўйла ҳукмрон бўлган замонда, қизнинг боки-ра қалби разолат ва қа-боҳат қаршида охи-з қолади. Қиз ақлдан оза-

тириши, меҳмонни кутиб олиши каби қатор ҳаракат-ларнинг ўзига хос нозик қирраларини очиб берди. «Хамлет»нинг кўйилиши Ўзбекистон маданият ҳаё-тида жуда катта воқеага айланди. Сора Эшонтўраевага юртимизнинг бар-ча ижодкорлари илҳом берди. Атоқли шоир Ха-мид Олимжон «Офелияни-нг ўлими» номили шеър ёз-ди. 3,5 ойлик меҳнат ўз самарасини кўрсатди.

1936 йил Ҳамза номи-даги драма театри Моск-вага борди. Шекспир аса-ридаги ролларни ижро этаётган актёрлар, пойтахт томошабинлари олдида имтиҳон топшир-дилар. Москвалик олим Дейч — «Ўзбек Хамлет»и бу шундай мўъжиза эди-ки, унда оддийлик, содда-лик, қандайдир театрона табиийлик ва самимийлик муҳассам эди», деб ёз-ганди.

«Хамлет» спектакли кўйилган куннинг эртаси-га Бутунроссия театр йи-гилишида мезбонлардан кимдир «Ўзбек Комиссар-жевскаяси қани?» деб сў-раб қолади. Сора Эшон-тўраеванинг юраги шиг-этиб кетади. Наҳот у ҳа-да сўз кетаётган бўлса.

«Инсон камолоти» маънавият университети ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. У шахримизнинг Ўзбекистон шохқўчаси-да жойлашган республика таълим маркази би-носидида бир неча ойдан бери фаолият кўрса-тиб келмоқда.

Унинг асосий макс-ади ёшлар, зиёлилар, мураббийлар, тарбиячи-лар, талаба ва ўқувчи-лар ўртасида маънавият ҳақида гурунлар, суҳ-батлар уюштиришдан иборат.

Бу маънавият универ-ситети таниқли олим-лар, шоирлар, актёрлар, санъаткорлар, рассом-лар билан учрашувлар уюштириб, муҳлисларни юнг бўш вақтларини эс-да қоларлик ўтказиш-ларига ёрдам бермоқда. Хусусан, Ҳамза номида-ги Ўзбек Давлат акаде-мик драма театрининг актёри Ёдгор Саъдиев, республика «Маънавият

Республика таълим маркази маънавият ва кўшимча таълим бўли-мининг мудирини Машку-ра Туропованинг таъкид-лашича, университети-мизнинг ташкил этили-ши кўпчиликка маъқул тушди. Мухими, илм-фан, маърифат, санъат, адабиёт, табобат, ҳаёт, жамият, ҳулла, ҳар со-ҳадан бир шингил де-гандек, жонли суҳбатлар ўтказиларди. Ҳозирга қа-дар университет машгу-лотларида 600 нафар-дан зиёд тинловчи иш-тирок этиб, ўзлари учун маънавий озукка олди-лар. Учрашувга таклиф қилинган таниқли актёр-лар, шоирлар, рассом-ларнинг дилкаш суҳбат-лари чиндан ҳам тинг-ловчилар учун катта озу-қадир.

Хулқар ТҲИМАНОВА.

Маънавият «ИНСОН КАМОЛОТИ»

Содиқова, актриса Мария Иштиёрова, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов, «Саодат» журна-лининг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоира-си Ойдин Ҳожиева каби-лар билан ўтказилган уч-рашувлар кўпчиликнинг ёдида қолди.

Ғазалхонлик

УНУТМА

Бу дунёда меҳмонсан меҳмонлигинг унутма.
Мангуликнинг олдида бир онлигинг унутма.
Бу дунё бир тегирмон, дон қатори ҳар инсон,
Тегирмоннинг дўлида бир донлигинг унутма.

Димоғни тоғдек чоғлаб, ёру дўст бағрин доғлаб,
Бугун борсан, эртага гумонлигинг унутма.
Элдан ўзиб чопай деб, иззат, обрў толай деб
Бугдўйларнинг олдида сомонлигинг унутма.

Қилсанг гуноҳ, савоб гар, ўзингдирсан жавобгар.
Ўзинг шайтон, ҳам ўзинг раҳмонлигинг унутма.
Йўгингни яширсанг ҳам, борингни оширсанг ҳам,
Элга бари ошкор ниҳонлигинг, унутма!

Довласанг ҳам довингни, овласанг ҳам овингни.
Қазо сайёди қувган жайронлигинг унутма.
Баҳорнинг қиш чоғи бор, қўшнинг ҳам доғи бор.
Кўнглинг обод кунингда вайронлигинг унутма.

Эй Оллоёр, ҳамон сан, ёринг учун ёмонсан.
Ёр олдида ҳамиша ёмонлигинг унутма.

КҲЙМАС

Хор кўнглини қодир ҳудо
Ҳамиша хор қилиб қўймас.
Гар бўлса ёридан жудо,
Васлига зор қилиб қўймас.
Ўзгага тегмай зиёни,
Кўзидан олмас зиёни.
Кўзига тор қилиб қўймас.
Кўз тўймаса нетиб дил тўқ?
Еғоч ёнмай бўлурми чўғ?
Бехосият борини йўғ.
Йўғини бор қилиб қўймас.
Тун бағрида мудрар наҳор,
Тан кексадир, кўнгил — оҳор.
Тоғ этагин, бежиз, баҳор,
Бошини қор қилиб қўймас.
Ой юзни ёр зулфи безар,
Ул қаро бул оқни безар.
Бир синаот бўлмаса зар
Енида мор қилиб қўймас.
Тирикликдир улуг неъмат,
Бақога қилмай азимат.
Қадр қил, ҳар дам ғанимат,
Яна такрор қилиб қўймас.
Ҳалол топиб егин ошинг,
Самимий тут ичу тошинг,
Иблисга эгмасаң бошинг,
Ғамга бозор қилиб қўймас.
Улчовлидир ризку рўзинг,
Аввал — ўзинг, охи — ўзинг,
Топсанг сабр, икки кўзинг —
Очиқ мазор қилиб қўймас.
Тарк этмаса агар зинҳор
Дилингни — Ёр, қўлингни — қор,
Чорасиз қолсанг, Оллоёр,
Сира ночор қилиб қўймас.

ОЛЛОЁР.

Эндигина ишдан келиб турган эдим,
эшиқ кўнгириги чалиниб қолди. Оч-сам кўшимиз Салима хола кўзлари-да жиққа ёш билан остонада турар-ди.

— Ассалому алайкум, келинг хола, ичкарига кириг, — дея уйга таклиф қилдим.

— Йўқ қизим, раҳмат, ишдан чар-чаб келган кўрмасиз. Агар малол кел-маса мана шу мактуб билан танишиб-чиқсангиз. Буни қизим Фаридохон ёзиб берди. Агар вақтингиз бўлса биз-никига бир кириб опангиз билан ҳам гаплашарсиз, — дея қўлимга бир хат тутқаздилар. Хатни шу ернинг ўзида ўқишга тушдим.

«...Собиқ эрим — ўқитувчи (исмини кел-тиришни лозим топмадим) мени ақлдан оз-ган ҳисоблаб болаларимни кўрсатмай қўйди. Мана олти йилдики уларни бир қуришга зор бўлиб, отамнинг уйида яшай-ман...» Ё тавба?! Наҳотки онани ўз туққан фарзандларидан, ўз жигаргўшаларидан жу-до қилиш муаллимнинг қўлидан келса, на-ҳотки, муаллим дейилмиш зот «онам» деб талпинган қўлчаларни қайириб ташлашга ўзида куч топласа?..

Фарида опа билан учрашишга аҳд қил-дим. Мени ўйлантирган яна бир нарсаси бу бўлдики, хат имло ҳатоларидан холи, жу-да чироили ёзилганди. Уни ўқиётиб шун-дай хаёлга келдим. Наҳотки, шу хатни ёз-ган одамнинг ақли заиф бўлса? Оромимни бузган саволу сўроқлар гирдобиди қолдим.

Бу хатни шундай қолдириб бўлмаслиги-ни англадим. Уч оғрик жон — Ота, Она ва Фарзандлар.

Хаёллар оғушида қандай қилиб Фарида опанинг уйига кириб келганимни ҳам бил-май қолибман. Мени Салима хола қарши олдилар. Салима хола мени Фарида опа ётган хонага бошлади. Хонага кирдим... Мен йўқлаб келган аёл бу эмас, деган ни-до отилди кўксимдан. На остона ҳатлаб ўтолмай, на ичкарига киролмай лол бўлиб қолдим.

Эскигина кўрпа-тўшакда михланиб ётган аёлга кўзим тушганда кимга ёмонлик қил-дйкин бу муштира, нега азиз жони шун-ча ситамларга солинди, деб ўқиндим.

Фарида опа бизни кўргач, секин бош кўтариб нима гап дегандек атрофга жав-дираб термуларди.

Саволларимга фақат «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб берарди.

Қариб ёши бир жойга бориб қолган Са-лима хола ва Тўйчи оталарнинг оху ноласи эса юрагимга оғир ботарди. «Тўрт ўғлим-нинг ичиди танҳо қизим эди. Биз ҳам умид билан қиз узатувдик... Умид билан набира боқувдик. Умид — келажакнинг меваси

Ўзбек киноси қайта тугилиб, миллий услуб ва йўналишларининг шаклланиши, шубҳасиз, ёш кино усталарининг кириб келиши, изла-нишлари билан боғлиқдир.

Кейинги йилларда ки-но санъатимизда бир қатор истеъдодли ёшлар ижод этиб, уларнинг ян-ги-янги асарлари мух-лисларга манзур бўл-моқда. Шундай ижод-корлардан бири киноре-жиссёр Зулфиқор Мусо-қовдир. Бу режиссёр ўзининг дастлабки «Қал-дирғоч», «Аскар эртакла-ри» қисқа метражли ба-дийий фильмларидаёқ ўзига хос ижод услуби-га эга ижодкорлигини намоёиш этди.

Зулфиқор ўсмирлиги-даноқ кинога қизиқиб, меҳр қўйди. «Ўзганинг бахти» (режиссёр Қ. Ка-молова) фильмида куёв-ролини ижро этди. Сўнг кинода ўз мавзуси, го-я ва фикрларини ёритиш, актёрларимиз имконият-ларини очиш учун ре-жиссёрлик бўйича тах-сил олди. «Қалдирғоч» фильмида қишлоқ ҳаёти-

нинг баъзи кўринишлари-ни тасвирлаш орқали ин-соннинг ҳаётда ўз ўрнини топиши гоҳида жуда ма-шаққатли, баъзида оғир

Кино СЕРҚИРРА ИЖОДКОР

кечиши кўрсатилади. Бу фильмда театр ва кино-мизнинг моҳир актёри Обид Юнусов бош ролни ижро этган.

Зулфиқор Мусоқов кейинги йилларда ҳамкор дўстлари билан самара-ли ижод этиб келмоқда. «Абдуллажон» фантастик комедияси ўзбек томоша-бинлари томонидан қиз-гин кутиб олинди, чет эл кинोकўрикларига тавсия-этилиб, ижобий баҳо ол-ди. «Бомба» фильми ҳам

шундай руҳда яратилиб, ҳажв, ҳазил-мутуйбага бой лавҳалар орқали қишлоқ ҳаётининг меҳнат билан ҳамнафас содда, дилкаш қишлари ҳақи-да ҳикоя қилади.

Санъаткор истеъдоди кўпқиррали. У актёр, ре-жиссёрликдан ташқари кинодраматургияда ҳам муваффақиятли қалам тебратиб келмоқда. 3. Мусоқовнинг сцена-рийлари бўйича «Бир қа-дам ўнгга, бир қадам сўлга», «Даллол», «Шўр-пешоналар», «Биринчи бўса» фильмлари яра-тилган. Шу кунларда у ўз сценарийси бўйича «Ки-чик табиб» фильмини су-ратга олиш тараддудиди.

Зулфиқор Мусоқовни-нг қайси асарини ол-майлик, уларда меҳнат-каш халқимизнинг содда феъл-атвори, очиқ ва са-мимийлиги, она юрт са-ховати ва жамоли мадҳ этилади.

Жамила АСАДОВА.
СУРАТДА: «Бомба» фильмида лавҳа.



дейдилар. Наҳотки, битта набирам осто-намни босиб келмаса-я?»

Наҳотки?! Олпоқ соқолларга томган кўз ёши ҳам жавоб қидираётир... Қанийди тил-ларда қотиб қолган сўзларга жон битилса-ю Фарида опанинг болалари — эъзозлаб, ар-доқлаб ўстирган оналари томон учса, «Ол-ти йилдики болаларимни бир кўрага зор-ман» деган нолалар, нидалар Феруза, Азиз, Нигора, Дилфуза ва Авазлар яшаётган уйи-ниг томига бориб кўнса.

— Шу хонадонга келин бўлиб тушганим-га беш йил бўлди, — дейди Умидахон. —

Турмуш чорраҳаларида

ЖУДОЛИК

Ҳали бирор марта Фарида опамнинг фар-зандларини ёки турмуш ўртоқларини кўр-ганим йўқ. Гоҳида кечалари билан фарзанд-ларини кўмсаб йиғлаб чиқади...

Ҳа, бундан ўн йил муқаддам, яъни 18 ёшлигида уни келин қилиш орзусида осто-насини бузган совчилари айтмасизми?! Ана шундай кунларнинг бирида Тохиржон билан Фаридага ували-жували бўлишсин, деб нон ушатишди. Кўп ўтмай ёр-ёр садо-лари остида Себзор маҳалласига келин қи-либ узатиб келишди. Лекин Фарида опа-нинг тўйида айтилган ёр-ёрнинг умри узун бўлмади...

Дастлаб Фарида опа қайнонаси билан рўзгор ишларида банд бўлди. Кейин фаб-рикага ишга кирди. Ҳамма келинлардай уйдагиларни оқ ювиб, оқ тараб хизматда бўлди. Мактабга — ўқувчилари, ўқитувчи ҳамкасблари ҳузурига отланган Тохир ака-ни қулиб кузатиб, қайтишда қулиб қарши олди.

Бахтнинг бундан ортиғи бўладими, ора-дан бир йил ўтмай, дунёни шодликларга тўлдириб паҳлавондай ўғил туғилди. Бола-нинг қадами кутлуг бўлади дейдилар. Ўша йили оилага барака, омад келди, ҳуллас бахт қулиб бокди. Бирин-кетин туғилган на-бираларга этаги тўлган қайнона келинини қўяр-га жой тополмай қолди. Яхши ният билан элга дастурхон ёзишди, ўғилчаларни суннат тўйи қилиб, маҳалла аҳли олдида озалари ёруғ бўл-ди. Ҳуллас, Феруза, Азиз, Нигора, Дилфуза ва Авазлар шод-хуррам ўсаётган эди... Ана шун-дай кунларнинг бирида... Ҳа, ана шундай кун-ларнинг бирида... Фарида оғир касалликка дучор бўлди. Беш марта руҳий касаллик-лар шифохонасида даволаниб чиқди. Юриб турган Фарида умуман ҳаракатдан тўхтади. Кейин уни эри ота-онасиникига олиб бо-риб ташлади...

— Қандай қилай, болам, йиғлаб-йиғлаб чол-кампира адо бўлди, — дейди Салима хола. Ақа-уқалар ҳам ўз йўлига. Бир кун биз ҳам бандаликни баҳо қилсак, Фари-данинг ахволи нима бўлади? Бу дарду бе-давони худодан сўраб олмади-ку.

Фарида опа мен билан яна бир дақиқа суҳбатлашганда нималар дер эди, деб ўйлайман ўзимча. Унинг мўлтираб турган кўзларидан «Кимга нима ёмонлик қилдим?» деган саволни ўқиш қийин эмас эди.

Ногоҳон Одесса киностудиясида сурат-га олинган «Лўли» номли фильм ёдимга тушди. Фильмдаги лўли боланинг рус аё-лига муҳаббати, онанинг болага меҳрини ҳаяжон билан кузатганман. Хотиротлардан айрилган Будаулар фарзандини кўриши би-ланоқ ҳуши ўзига келади-ку, ҳамма хоти-раси қайта жонланади-ку?! Ўғлининг бир оғиз «ота» деган сўздан Будаулай қайта яралмадими? Фарзанд сўзи, фарзанд меҳ-ри рўйи-шифо дейдилар. Нима бўлганда ҳам уларни дунёга келтирган, уйқусиз тун-ларни мижжа қокмай бешиқ тебратиб ўт-казган онани фарзандлари унутмасликла-ри керак. Наҳотки, шу йиллар давомида бирор марта оналарини соғинмаган, бирор марта кўргилари келмаган бўлса?

Фарида опанинг шифтга қараб мўлти-раб турган кўзларини унутолмадим. Яна қайтиб у ётган хонадонга келдим. Беш на-фар болани тўққиз ойлаб жисму жониди асраган, юз минг азоб билан ҳаётга кел-тирган аёл дунёнинг бедаво дардига ги-рифтор бўлсаю бу ҳам етмагандек фарза-нд доғи ҳам уни адо қилса?! Бу қандай кўргилик? Биронта боласи келиб бир пиё-ла чой тутишга, уч қизидан биронтаси кели-ла ақалли бирон марта қийим-бошини ювиб беришга ярамаса-я!

Ўйлаб-ўйлаб ўйимнинг пойи кўринмайди. Айбни кимдан қидирай? Тўшакка михла-ниб ётган Фарида опадими? Кўргиликлар-дан боши гангиб қолган эрдан айб қиди-райми?! Ёки бўлмаса онаси ҳақида гапирган-да ҳадиксираётган фарзандлардими?!

Ҳар қалай ҳаммамиз ҳам фаришта эмас-миз. Лекин бир ҳақиқат, Тохир ака ҳеч бўл-маса Фарида опа билан бахтиёр яшаган бирор кунини, ҳеч бўлмаса уни отадек улуг бир бахтга муюссар этгани ҳақиқ-хурмати уни шунчалар ташлаб қўймаслиги керак эди. Одамлар савоб учун етти ёт бегона-лардан хабар олишди, мурувват кўрсати-шди. Фарида опа вафодор ёр, меҳрибон она бўлган-ку!?

Ҳали ҳам кеч эмас. Менинг Тохир акада ана шундай қудрат борлигига ишонгим ке-лади.

Маъмира РҲЗИЕВА.

Юрак қон-томир касаллик-лари ичида энг кўп тарқалган дардлардан бири нейродиректор дистиония ҳисобланади. Бу касаллик оғир оқибатларга деярли олиб келмасада, кишининг меҳнат қobiliятини жуда пасайтириб юборади, натижада унга қарши курашда ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради.

Касаллик асосида қон томирлар деворининг кенгайиб-торайиш ҳолати (тонуси) ва уларнинг мустақамлиги ўзгариб, аъзолар ва тўқималарнинг кислородга бўлган таъсирини, оқсатланишнинг бузилиши ва атеросклероздаги каби жараёнлар кузатилади. Яъни бу касалликнинг рўй беришида бош миёдаги вегетатив қон-томир марказларининг одатдаги иш бажариш вазифаси издан чиқади.

Ушбу касалликка бир қанча омиллар сабабчи бўлиб, агар уларнинг бир нечаси биргаликда таъсир этса, беморда хасталик оғир кечади. Айниқса бемор яқинда кучли руҳий зўриқиш ва ўткир оғир юқумли касалликларни бошдан кечирган бўлса унинг дарди кўнгилсиз равишда давом этади.

Бу касаллик билан оғирган кўпчилик беморлар артериал қон босимининг тез-тез ўзгариб туриши, бош оғриши, айланмиш, оёқларда пайдо бўлувчи шишдан, баъзида эса нормал қон босимида ҳам юрак атрофидаги оғир-қандан, кўп терлаб қўл ва оёқ

панжаларининг доимо совуқ ва нам бўлиши, артериал қон босимининг иккала қўлда турлича бўлиши, терида чумоли юргандек ҳиснинг бўлишидан шикоят қиладилар.

Беморнинг ёши улғайган сайин бошининг тепа ва энса қисмидаги оғриқ руҳий толиқиш ҳамда об-ҳаво ўзгаришига монанд кучаяди.

Сапатлиқ

КАСАЛЛИККА БЕПАРВО БЎЛМАНГ

Қулоқда шовқин бўлиб, бош айланади, кўнгил айниди. Қувватсизлик, кўп терлаш ва гандираклаш ҳоллари пайдо бўлади. Уларда уйқунинг бузилиши, тажаниқлик, серзардалиқ, бекорчи ҳаёлларга ўралашиб қолишлик кузатилади. Хасталикка хос бўлган тана ҳароратининг бироз кўтарилиши, юракнинг тез-тез уриши, артериал қон босимининг пасайиб, қисқа муддат хушдан кетиш ҳолатлари беморнинг ёши катталашган сари йўқолиб боради, аммо бармоқларнинг титраши, оёқ-қўлларнинг увишиши кўпроқ аниқланади. Айрим беморларда аста-секин касалликнинг қон босим, юрак ва миёна ишемик касаллигига ўтиши белгилари юзага чиқа бошлайди.

Бундай беморларда меҳнат, оқсатланиш ва дам олиш режими-

ни, даволаш бадантарбия машқлари: руҳий даволаш, физиотерапевтик аппаратлар ва дори-дармонлар билан даволашни йўлга қўйиш жуда муҳимдир. Кучли иш фаолиятдан сўнг дам олишни ҳам билиш керак, чунки айнан шундай жараёнга асаб-руҳий ва вегетатив ҳолат мувозанатини мустақам сақлашнинг гаровидир.

Овқатланиш тартибидега эса таркибидега ёғ ва холестерин моддаси бўлган овқатларни чегаралаш, оқсил ва углеводлар, дармондори ва микроэлементларнинг мутаносиб равишда истеъмолда бўлишига эътибор қилмоқ лозим. Айниқса, бадантарбия машқлари билан шуғулланиш орқали организмнинг табиий куч-қувватини кўтара билиш ҳам ўта муҳимдир.

Рухий даволаш сеансларини ўтказишда беморга унинг касали оғир эмаслигини билдириб, хасталикни соддагина қилиб тушунириш керак. Токи бунинг натижасида бемордаги орқича хавотирланиш ва қўрқув ҳислари барҳам топсин. Физиотерапия муолажаларидан электрофорез, ток билан ухлатиш, игна билан даволаш, уқалаш каби даволаш усуллари бемор учун анча фойдалидир. Шунингдек, даволаш-профилактика муассасаларида хасталикка ишлатилувчи дори-дармонлар қўлами жуда катталиги боисидан энг асосийси ҳар бир беморга ўзига хос дори танлаб ишлатилиши лозим.

Ш. ҚОСИМОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.
З. ЮНУСХУЖАЕВ,
Тошкент шаҳар ТМЭК раиси.

ЗАМОНАВИЙ ЛИБОСЛАР

Франция Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасида Франциядаги таниқли модалар устаси Жанин Клажбер хоним томонидан яратилган кийимлар намоиши бўлиб ўтди.

Жанин Клажбер хоним томонидан яратилган янги модалар турлари Францияда аллақачон ўз мухлисларини топиб улгурган. Мамлакатимизда уларнинг намоиши этилиши эса ўзбекистонлик мухлисларнинг бу либосларга қизиқишини янада кучайтирди.

Модалар намоишининг очилиш маросимида сўзга чиққан Франциянинг мамлакатимиздаги факулдодда ва мухтор элчиси жаноб Жан Клод Ришар ушбу тадбирнинг халқларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Ўлжабек
ҚАРШИЕВ.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИНИНГ ЁШ БИЛИМДОНЛАРИ

Танловлар

Тошкент шаҳар ўқувчиларидан ташкил топган ёш йўл ҳаракати назоратчилари гуруҳлари ўртасида шаҳар ДАНБ ва шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан «Яшил чироқ — 97» кўрик-танлови ўтказилаётган Ҳамза туманидаги 282-мактабга борганимизда пойтахтимизнинг ҳар бир туманидан келган голиб мактаб жамоаларининг ўзига хос кийимлари, улар тайёрлаган кўргазмалар қўроллар — йўлчи-роқ, чорраҳа: автомобилларнинг макетлари, жойларда ёш йўл ҳаракати назоратчилари гуруҳлари томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги деворий газеталару стендларни кўриб ҳақиқатан ҳам мактабларимизда йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш бўйича кенг қўламдаги ишлар амалга оширилаётганига ишонч ҳосил қилдик.

Биз танлов бошланиши олдида шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тарбиявий бўлими бош мутахассиси Омон Мамасолиевни суҳбатга тортдик.

«Яшил чироқ — 97» кўрик-танловининг бугунги якунловчи 4-босқичида пойтахт бўйича энг кучли 360 бола ўзaro куч синашади, — дейди Омон Мамасолиев. — Мусобақанинг туманлардаги боғча, мактаб, ҳунар-техника билим юртлири бўйича биринчи босқичи ўтган йилнинг декабрида бошланган бўлиб, у 300 мингдан ортиқ ўқувчи иштирокида ўтди. Январь — февраль ойларида эса мавзелар бўйича алоҳида босқич танловларини ташкил этдик. Март — апрель

ойларида ўтказилган «Яшил чироқ»нинг туманлар бўйича голиблари мана бугунги ҳал қилувчи мусобақаларда ўз билим-маҳоратларини намоиш этишади. Кўрик-танловнинг муваффақиятли ташкил этилишида ДАН, халқ таълими хизмати ходимлари билан бирга ота-оналарнинг ҳам ҳиссалари катта бўлди.

Энг муҳими, кейинги пайтларда мактабларда йўл ҳаракати қоидаларини болалар онгига сиғдириш бўйича анчагина ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир мактабда йўл ҳаракати қоидалари бўйича 17 соатлик махсус дас-тур бўйича дарслар ўтилмоқда. Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов, Миробод, Акмал Икро-

мов, Шайхонтоҳур ва Яқкасарой туманларида эса бевосита ДАН хизмати ходимларининг ўзлари келиб бундай дас-рсларни ўтишяпти. Бундан ташқари шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг пойтахт ДАН бошқармаси билан ҳамкорликда ҳар чоракда ўтказилаётган режали махсус тадбирлари бор. Улар доирасида «Кўча», «Бозор», «Тўсиқ» тадбирларини ўтказяпмиз. Барча мактабларда йўл ҳаракати қоидалари, сафланишга доир стендлар тайёрланишига эришдик. Шунга оид шеърлар, ҳикоялар, уйинларни ўз ичига олган китобларни чиқаришга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозир ҳар бир мактабда ўз шароит, имкониятларидан келиб чиқ-



қан ҳолда автомайдон-чалар ташкил қилиш масаласи кўндаланг турибди.

Шу куни 5-8-синф ўқувчиларидан ташкил топган йўл ҳаракати қоидаларининг ёш билимдонлари пиёдалар ҳаракати, темир йўллардан ўтиш, велосипедларда ҳаракатланиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, сафда юриш ва қўшиқ айтиш бўйича ўз билим, маҳорат ва кўникмаларини намоиш этишди. Ҳар бир жамоа аъзолари ҳакамлар ҳайъати кўрсатмасига асосан маълум вақт ичида чорраҳа, йўлчи-роқ ёхуд автомобиль макетини ясади, ўз мактабларидаги ёш йўл ҳаракати назоратчилари фаолияти тўғрисидаги видеоасмаларни кўрсатишди.

Ўқувчилар маҳоратини белгилаш натижаларига кўра бир хил балл тўплаган А.Икромов туманидаги 193-мактаб ҳамда С.Раҳимов туманидаги 249-мактаб жамоалари «Яшил чироқ» мусо-

бақасининг голиблари деб топилди. Мусобақа низомига кўра 193-мактаб ўқувчилари Республика «Яшил чироқ» кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган бўлса, 249-мактабнинг ёш йўл ҳаракати назоратчилари «Ойнаи жаҳон»да «Йўлчи-роқ» кўрсатувига иштирок этадиган бўлишди. Мирзо Улуғбек туманидаги 233-мактаб ўқувчилари иккинчи, Ҳамза туманида жойлашган 166-мактаб ўқувчилари учинчи бўлишди. Барча голиб ва совриндорлар шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг дипломлари, фахрий ёрлиқлари, пойтахт Давлат автомобиль назорати бошқармасининг эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
СУРАТЛАРДА: ёш йўл ҳаракати назоратчилари гуруҳлари танлов шартларини бажармоқда.

Равиль Альбеков
олган суратлар.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

**ТИЖОРАТ
ХАБАРЛАРИ
ВА ЭЪЛОНЛАР**

ФУТБОЛ

ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**20 июнь кун
соат 19.00 да**

1998 йил
Парижда
бўладиган
футбол бўйича
жаҳон
биринчилигида
қатнашиш учун саралаш ўйинларида

Ўзбекистон ва Индонезия

миллий терма жамоалари
учрашадилар

98

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «ЮНЕСКО»нинг «Жаҳон бирлашган мактаблар» ассоциацияси аъзоси — 309-Шарқ тиллари лицейи 1997/1998 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Лицейда шарқ мамлакатлари филологияси (араб, форс, урду, ҳинд тиллари) ва жаҳон иқтисодиёти йўналишлари бўлиб, бу йўналишларга шаҳар умумтаълим мактабларининг 7-синфларини аъло баҳолабга тугатган, шарқ тиллари ва инглиз тилини чуқур ўрганиш иштиёқида бўлган ўқувчилар махсус тест синовлари йўли билан танлаб олинади.

Лицейга кирувчилар лицейнинг қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- лицей директори номига ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг розиликлари кўрсатилган шахсий ариза;
- тузилганлик ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма;
- 086/У формадаги тиббий маълумотнома;
- яшаш жойидан маълумотнома;
- 3/4 ҳажмидаги 6 дона фотосурат;
- маълумоти ҳақида гувоҳнома (ўзлаштириш табели).

ҲУҶЖАТЛАР 1 ИЮЛДАН 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҚАБУЛ СИНОВЛАРИ (СУҲБАТ ВА ТЕСТ СИНОВЛАРИ) 5-20 АВГУСТ КУНЛАРИ

Трамвай: 27.

«Шимолий Олмазор» бекати.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Бобоҷонов кўчаси, 20-уй.

ТРАНСПОРТЛАР: Автобуслар: 85, 100, 10, 14.

Трамвай: 27.

«Шимолий Олмазор» бекати.

ДИҚҚАТ!

Юнусобод туманида
жойлашган «Мебель сизлар
учун» дўкониди
25 ИЮНДАН 27 ИЮНГАЧА
«Ўзбекмебель» давлат
хиссасдорлик жамияти
корхоналарида ишлаб
чиқарилган
ЯНГИ МЕБЕЛЛАРИНИНГ
ТАНЛОВ-КЎРГАЗМА САВДОСИ
ЎТКАЗИЛАДИ
ДЎКОНИМИЗГА МАРҲАМАТ!
Манзилимиз: Юнусобод
дахаси, 8-мавзе, 39-уй.

Маълумот учун
телефон:
24-87-45.

ҚУШИЛАЙМИЗ!

Қадри Имомхўжа қизи
Матлубахон!
Сизни табаррук ёшингиз
билан чин қалбимдан табрик-
лайман. Бахтимга доимо со-
мон бўлинг. Ҳар доим АЛ-
ЛОҲнинг ўзи қўллашини тилаб
қолувчи укангиз

МАХСУДХҲҲА

Юнусобод — 13-мавзесидаги 4-хонали
квартира, гараж
СОТИЛАДИ
Тел: 22-83-22.

Плани 9-й, квартира
СОТИЛАДИ
Тел: 90-15-82.

Тошкент Давлат аграр университети
умумий зоотехника кафедрасининг
доценти С. Ш. Юнусовга ўғли
БАХТИЕРНИНГ
бевақт вафоти муносабати билан чуқур
ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар: 33-28-95,
33-08-74, 36-57-65.
факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, чоршанба
ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи
64690

Нашрни етказиб бериш
масаллари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига
ёки «Тошкент почтаси»га
33-74-05 телефонига мурожаат
қилишнинг мумкин.